

# ЖАЛҚ СҮЗИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган.



Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар маҳкамасининг газетаси

8 АПРЕЛЬ, ПАЙШАНБА № 68 (573). 1993 йил. Сотувда эркин нархда.

## ЎЗБЕКИСТОН: ИСТИҚЛОЛ ВА ТАРАҚҚИЁТ ЙЎЛИНИНГ БЕШ ТАМОЙИЛИ

# БИРИНЧИ ТАМОЙИЛ: ИҚТИСОДИЙ СТРАТЕГИЯ ҲАР ҚАНДАЙ СИЁСИЙ МАФКУРА ТАЪСИРИДАН БУТУНЛАЙ ХОЛИ БЎЛАДИ

ГАЗЕТАМИЗНИНГ УШБУ СОНИ АНА ШУ МУҲИМ МАВЗУГА БАҒИШЛАНАДИ

Ички иқтисодий стратегия ҳар қандай сиёсий мафкура таъсиридан бутунлай холи бўлиши керак. Утган йиллар иқтисодийи ута сиёсийлаштириб юборилган. Эди. Иқтисодий мақбулликдан сиёсий конъюнктуравий манфаатларнинг устун келиши со- биқ иттифоқ халқ ҳужалигини парокандалик еқасига, иқтисодий ва ижтимоий муносабатларнинг жиддий бўзилишига, ишлаб чиқаришнинг техника жиҳатидан қоқоқлигига олиб келди. Иқтисодиёт фақат унга хос бўлган ички қонуниятлар асосида ри- вожланмоғи даркор.

И. КАРИМОВ.



СУРАТДА: Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов ва Финляндия Республикаси Президенти Мауно Койвисто пажазорда. Ўзбек пахтасининг доғруғи яна бир доводдан ошадиган бўлди!

Ўзбекистон пахтасига ошуватлар кўп, кўз тиканлар бисёр. Эндиликда мустамил мамлакатимизнинг нафқат ички, Балки ташқи стратегиясини ҳам белгилаб бераётган оқолтиришни ёмон кўзлардан асра- сии, ишқилиб.



## Туб иқтисодий ислоҳот—давр тақозоси

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов бизнинг жумҳуриятимизга ҳо- ра мос янгиликни ҳамда тар- қиёт йўлига асос бўла оладиган бешта баш тамоийли- ни баён этиб берди. Улар кў- йдагилардан иборат:

- иқтисодиётнинг ҳаммиса сиёсатдан устун туриши;
- фақат давлат, қонуний йўл билан сайланган ҳокимиятнинг ислоҳотчи бўла оли- ши;
- инсонлар ва кучли иқтисодий сиёсат;
- қонуний ҳамма нар- садан устунлиги, ҳамма фуқаро ва ташкилотларнинг унга қатъий бўйсунуши;
- бозор муносабатларига иқтисодий ларзаалар, оч- лик, қашшоқлик, одам- ларга аниқ етказмайдиған тарзда ўтиши.

И. Каримовнинг «Ўзе- бикистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли» китобида бу тамоийилар чуқур ва ҳартомонлама асосла берил- ган. У Ўзбекистон Республи-

каси Олий Кенгашининг ўн биринчи сессиясида сўзлаган нутқида ҳам буни яна бир бор таъкидлади. Мен иқти- содий сиёсатнинг айрим жи- ҳатларига эътиборни қарат- мочман.

Хорижий журналистлар билан яқинда ўтказилган мат- бот конференциясида И. Ка- римов таъкидладики, тарақ- қиётнинг ҳозирги босқичида биз иқтисодий муносабат- ҳал этишимиз. Биринчиси — кучли давлатчиликни барпо этиш, мустақил жумҳурият қуриш. Иккинчиси — бозор иқтисодиётига ўтиш. Бунинг учун асосан кўйидагилар ке- рак бўлади: тинчлик, барқа- рорлик, миллий ва фуқаро- лар ҳамжиҳатлиги. Бизда айнан ана шу зарур асослар бор ва бу халқимизда жум- ҳуриятимизнинг ҳам сиёсий, ҳам иқтисодий вазиғларини муваффақиятли ҳал эта оли- шига умид уйғотди.

Бироқ шунинг ҳам таъкид- лаш керакки, Ўзбекистон- нинг бозор иқтисодиётига

ўтиши жуда ноқулай бир шар- онта тўғри келди. Чунки, 1990 йилда миллий да- ромад Ўзбекистон аҳолиси жон бошига ҳисоблаганда со- биқ Иттифоқдагига нисбатан 1,7 баравар, миллий бойлик- да алоқа тармоқлари орқали ўтказилган кенгашида ана шу саволларга ҳамжиҳатлик бил- лан жавоб изланди. Мавсу- ми қисқа вақт ичиде уюш- қоқлик билан ўтказиш чора- лари белгиланди.

7 апрель куни республика Қишлоқ хўжалик вазирлиги- да вазирликлар, вилоят, ту- ман ва бошқа мугасадни идора- лар раҳбарлари иштироки- да алоқа тармоқлари орқали ўтказилган кенгашида ана шу саволларга ҳамжиҳатлик бил- лан жавоб изланди. Мавсу- ми қисқа вақт ичиде уюш- қоқлик билан ўтказиш чора- лари белгиланди.

Маълумки, ҳосил тақдири кўп жиҳатдан экин ишлари- ни муваффақиятли ўтказиш- га, умид билан қадалган уруғни беҳато ундириб олиш- га боғлиқ. Аммо жумҳурия- тимизнинг ҳамма вилоятлари- да ҳам бу йилги ҳозирликни кўнгиладиген деб бўлмайдди. Экин майдонларига етарли даражада кузги ишлов берил- магани, жойларда экин иш-

## ТУРКИЯ ПРЕЗИДЕНТИ ТУРҒУТ ҲОЛ БОШЧИЛИГИДАГИ ТУРКИЯ РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ ДЕЛЕГАЦИЯСИ АЪЗОЛАРИНИНГ ЎЗБЕКИСТОН БЎЙЛАБ РАСМИЙ САФАРИ МУВАФФАҚИЯТЛИ ЯҚУНЛАНДИ

7 апрель куни Тошкент аэропортида мамлакатимиз- да меҳмон бўлиб турган Тур- кия Республикаси Президенти Тургут Ҳоул бошчилиги- даги расмий делегация аъзо- ларини кузатиш маросими бўлди.

Ҳар икки мамлакат Прези- дентлари оммавий ахборот воситаларига берган баёнот- ларида ниҳоятга етган сафар фой- дасамарали бўлганини алоҳида таъкидладилар.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов олий мартабали меҳмон — Тургут Ҳоул жанобларини бутун сафар давомида жум- ҳуриятимиз раҳбарларини эмас, олий меҳнатқаш халқ ҳам улкан меҳр-муҳаббат билан қарши олганини ифти-

хор билан қайд этди. Бу халқ- имиз орасида Туркия Пре- зидентининг обрўси ортиб бораётганидан далолатдир. Халқимиз жаноб Тургут Ҳоулнинг ўзбек-турк дўстли- гини мустаҳкамлаш бораси- даги ҳиссасига юксак баҳо бермоқда. Аслида биз — Ҳоул ва турклар икки алоҳи- да мамлакатда яшаётган бир халқимиз, деди Ўзбеки- стон Президенти.

Туркия давлат раҳбари са- фар давомида муҳим ҳужжат- лар имзоланганидан мамну- ният изҳор этар экан, бўлиб ўтган музокаралар, мулоқот- лар натижалари ўзбек — турк халқларининг XI—XII асрлардан бошланган иқтисо- дий, маданий алоқалари ри- вожига янада кенг имкони-

ятлар очажига ишонч бил- дирди.

Сўнг Туркия Республикаси Президенти Ўзбекистон дав- лат ва ҳукумат раҳбарлари, тайёрағода ҳозир бўлган дипломатия вазирларининг вакиллари билан самий хайрлашди.

Олий мартабали меҳмон ва унга ҳамроҳлик қилаётган расмий делегация аъзолари Бишкекка жўнаб кетдилар.

Делегация аъзоларини республика Олий Кенгаши Раиси Шавкат Ҳудодов, Бош вазир Абдулҳошим Му- талов, Тошкент шаҳар ҳоки- ми Аҳмадбек Фозилбеков ва бошқа расмий кишилар ку- затиб қолдилар.

(ЎзА).

## ЎЗБЕКИСТОН ВАМАНИМ МАНИМ

«ХАЛҚ СҮЗИ» МУҲБИРЛАРИ ВА ЎЗ- БЕКИСТОН МИЛЛИЙ АХБОРОТ АГЕНТЛИ- ГИ ХАБАРЛАРИДАН

### МУДДАТ ВА ХАРАЖАТ КАМАЯДИ

● ТОШКЕНТ. Ҳуқуқ сиймология илмий тадқиқот институти олимлари Юнусовод да- ҳаси тупроғи ҳуёсуятларини ўргандилар.

УЛАРИНИНГ тавсиясига кўра инженерлик коммуни- қациялари билан таъминланган ҳудудларда уйлари ан- чоқ қуриш мумкин экан. Бу ўз навбатида туққиқ қаватли биноларни тиклашга кетадиган муддат ва харажатларни камайтиришга имкон яратади.

### ЎРГАНГА КЎНГИЛ ҒАШЛАНДИ

● ЖОНДОР. Меҳнат биржаси директори Хайрулло Тўйев қўл остида ишловчи Д. Аб- дуллаевдан 2,5 минг сўм пара олаётганида қўлга тушди.

ҲУҚУҚ-тартибот ходимларининг аниқлашича, Х. Тўйев мушук бекорга офтобга чинмайди қабилида иш ту- таркан. Ҳатто ходимларнинг мутахассислик лавозимини ошириш учун ҳам 2,5 минг сўмдан 7 минг сўмгача пара талаб қиларкан. Ҳуқуқнинг қўнғил ўртанса қўймас деган- лари шу бўлса керак-да.

### ЎЗИНГДА БОР, ОЛАМДА БОР

● ҚҶҚОН. Мотор таъмирлаш заводида ме- талл чокени пайвандловчи ускуна ўрнатилди.

ЭНДИ турли агрегатларнинг пичоқлари, юқори босим- ли ёғ ўтказувчи шланглар, тормоз барабанлари сингари эҳтиёт қисмларни тайёрлашга кенг йўл очилди. Илгари эҳтиёт қисми бўлган ана шу қисмлар четдан келтирилар- ди.

### МЕҲР-ОҚИБАТГА ЧОРЛАЙДИ

● КАТТАҚҶРҶОН. А. Маждий номидаги драма театри артистлари сахналантирган «Ниҳолларни эгманга» спектакли томоша- биларга манзур бўлди.

ОТА-онау фарзандларга, одамларга меҳр-оқибатли бў- лишга чорловчи ушбу асар журналист М. Эргашев қала- мида мансуб. Қамондан қайтган отанин фарзандларига қувонч ўринга ташвиш келтирган, кўзи оқиз оқинининг ўлимлигини ҳам қиморга бой берган ўғилнинг фоживий ҳаёти кўпчиликлари иборат бўлса ажабмас, дейишнинг мух- лислар.

### «ХИЗМАТ» ҚИМГА ХИЗМАТ ҚИЛАДИ

● ОЛМАЛИҚ. «Хизмат» ширкати найран- гларини ҳеч иккиланмай Гиннес китобига ки- ритса бўларкан.

ШИРКАТЧИЛАР қамоққа олинган, ҳукми этилган одамлар учун маблағ тўлашга киришгандилар. Уларнинг оёқ олишлари беко эканлигини пайқатган ички ишлар хо- димлари арқонини узун ташлаб кузатишди. Текширув жа- раётида 5 та моторли арра, 140 лист оргалит, 7 та «Ори- ент» маркази соат топилиди. Буларку кимгадир керак бў- лар. Аммо 3 та граната, тўпмонча, гаали тўпмончаларни қайси мақсадлар учун сақлаётганларини терговда ай- тишса керак.

### ЙУЛОВЧИ ҲАМ, ҲАЙДОВЧИ ҲАМ ХҶРСАНД

● ЧОРТОҚ. Бош шохбеат йўловчиларга хизмат кўрсата бошлади.

ҚУШ қаватли бинода савдо дўконлари, кутубхона, зал, боғчалар хонаси, паттахона, буфет, ҳайдовчилар ҳордиқ- хонаси жойлашган. Ҳозирча йўловчилар шохбеат хо- димлари хизматидан мамнун.

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ АБДУҒАНИЕВИЧ КАРИМОВГА

Муҳтарам Ислам АБДУ- ҒАНИЕВИЧ!

Биз, Бухоро вилоятида исти- қолат қилаётган Ахисха турклар, Сизга жумҳуриятимиз- нинг катта оиласида тенг, фаровон яшашимизни таъ- минлаш ишида фидокорлик қилаётганингиз учун самий миннатдорлик билдири- миз. Сизнинг ҳар сафар, Ҳоул- нинг яшаётган фуқаро- лардан бирортасининг ҳам, миллатидан қатъи назар, бурни қонашига йўл қўймай- миз, деган сўзларингиз биз — бухоролик туркларнинг умидимизга қанот бағишла- моқда.

Сиздек узоқни кўра бил- диган раҳбарнинг халқимиз тақдири, бахт-саодати учун толимас курашчи сифатида олиб бораётган оқилона сиё- сати ўз самарасини бермоқ- да. Сизнинг Туркияга қилган

сафарингиз бу хайрли иш- ларни бошлаб берди. Ҳар ик- тала халқ ўртасидаги қадим- ий дўстликни қайта тиклаш ва янада мустаҳкамлашдек буюк ишга кўшаётган ҳис- санингиз учун қўндан-қўп раҳ- матлар айтамыз.

Сизни ишонтириб айтамыз- ки, ўзбек ва турк халқлари улғу мақсад — Ўзбекистон- нинг порлоқ келажигини таъ- минлаш йўлида қон-қардош- лигига содиқ қолиб, дўстлик ришталарини янада мустаҳ- камлайверади.

Бухорои шарифда ташкил этилган турклар миллий ма- даний маркази ҳам ана шу олижаноб ишларни амалга ошириш учун хизмат қила- ди.

Бухородаги турк миллий маданий маркази раиси Комил Сулаймон ўғли ШАҲРИЕВ.

## ТУРҒУТ ҲОЛ ҚИРҶИЗИСТОНГА КЕЛДИ

РАТА—ТАСС мухбирининг бугун Бишкекдан хабар қи- лишича, Туркия Республика- сининг Президенти Тургут Ҳоул Қирғизистонга расмий ташриф буюрди. Ҳу кун да- вом этидиган ташриф вақти- да Қирғизистон билан Тур- кия ўртасида ҳукуматлараро ҳужжатларни имзолаш, шун- ингидек Тургут Ҳоулнинг республика раҳбарлари, олимлари, ишбилармонлари билан учрашувлари режа- лаштирилмоқда.

(ЎзА).

## ЭКИШ МАВСУМИНИ УЮШҚОҚЛИК БИЛАН ҲТКАЗАЙЛИК

Кунлар исиб, жумҳуриятимиз далаларида экин мав- суми бошланди. Кўпчилигини ганимат кунлардан деҳ- қонларимиз қандай фойдаланаяпти! Уларнинг олдида турган муаммолар нималардан иборат?

7 апрель куни республика Қишлоқ хўжалик вазирлиги- да вазирликлар, вилоят, ту- ман ва бошқа мугасадни идора- лар раҳбарлари иштироки- да алоқа тармоқлари орқали ўтказилган кенгашида ана шу саволларга ҳамжиҳатлик бил- лан жавоб изланди. Мавсу- ми қисқа вақт ичиде уюш- қоқлик билан ўтказиш чора- лари белгиланди.

Маълумки, ҳосил тақдири кўп жиҳатдан экин ишлари- ни муваффақиятли ўтказиш- га, умид билан қадалган уруғни беҳато ундириб олиш- га боғлиқ. Аммо жумҳурия- тимизнинг ҳамма вилоятлари- да ҳам бу йилги ҳозирликни кўнгиладиген деб бўлмайдди. Экин майдонларига етарли даражада кузги ишлов берил- магани, жойларда экин иш-

лари кечикаятгани ташвиш- ланардилар.

Кенгашида айниқса гаалла, уруғлик маккажўхори экин ишларига эътибор зарурли- ги алоҳида таъкидланди. Ҳури-Вигим техникасини вақт ўтказмасдан мавсумга шайлаб қўйиш лозимлиги яна бир бор уқтирилди. Бу борада Жиззах, Сирдарё ви- лоятлари, Хатирчи, Нурота каби туман раҳбарларига зиммаларидаги масъулиятни унутмаслик зарурлиги эсла- тиб ўтилди.

Кенгашида республика киш- лоқ хўжалик вазири Н. Қано- мов сўзга чинди. Кенгашии Ўзбекистон Республикаси Вазирлар маҳкамаси раиси- нинг биринчи ўринбосари И. Ҳўрабеков бошқарди.

(ЎзА).

## «ГАЛЛАОРОЛ» СУВИНИ ИЧМАБСИЗ, ДУНЁГА КЕЛМАБСИЗ

Шу кунларда Галлаорол райони ҳудудин катта қурилиш майдонини эс- латади. Кичик корхона- лар, мактаблар, касалко- налар, болалар боғчалари ва бошқа нишоотлар бар- по этилмоқда. Яқинда эса бизнинг Ғўбдин қишлоғи- мида даволаш маскани фойдаланишга топширилди. Бу ердиги бўлгандан кўп йиллардан буён шифобахш

сув чиқиб турарди. Мутахас- сисларнинг ҳулосаси ва та- всийсига кўра, унинг яқинида республика Соғлиқни сақ- лаш вазирлиги тўрт қа- ватли даволаш маскани қурилишини бошлаганди. Кейин маблағ етишмаслиги рўқач қилиниб, иш ўз- ҳолига ташлаб қўйилди. Лекин 12 ҳўжаликнинг маблағлари ҳисобига қисқа муддат мобайнида 12 та


коттеж тикланди. Бу бино- ларнинг ҳар бирида тўрт киши даволашнинг мумкин. Улар газ, чимчилик сув бил- лан таъминланган. Бундан ташқари, 5 та ваннахона, физיותרрапия бўлими иш- лаб турибдики, бу даво- лаш масканида беморлар- нинг шифо топишлари учун барча имкониятлар манжуд- лияни кўрсатади.

Абдулла ОДИЛОВ.

(Давоми 2-бетда).



# МАФКУРА ТАЪСИРИДАН ВУТУНЛАЙ ХОЛИ ВЎЛАДИ



Баҳор деҳқонлардан тортиб раҳбарлари мутахассисларга — барча-барчани далага юрламоқда. Ахир кузда дасгурхонимизнинг қанчалик тўкин бўлиши ҳозирги экин-тўкин ишлари оби-тобида ўтказилишига қўл жиҳатдан боғлиқ. Бу юмушлар эса Наманган вилояти Қосонсой туманидаги «Қўшқимбой» давлат хўжалигида жасал олиб борилади.

СУРАТДА: хўжалик директори Абдусалом Мансуров. П. АКБАРОВ олган сурат.

## • Мустақил юрт фидойилари

Толбижон ака Отабоев ҳақида мақола ёзмақчи бўлиб қўлмагга қалам олдим-у, ўйлаб қолдим. Чунки бутун Фарғона вилоятига донги кетган, ҳатто Президентимиз И. Каримов назари тушган бу инсон ҳақида сўз юритиш осон эмас эди. Бироқ, бир нарса менга дала бўлди: у ҳам бўлса — Толбижон аканинг кўп йиллик таърибаси, деҳқончилик борасидаги билими. Уйлаётганим, жумҳуриятимиз мустақилликка юз тутган бугунги кунда бу омилар деҳқонларимизга асқотади.

Эл орасида Толбижон аканинг ўзгача номи бор. Уни ҳамсоларидан тортиб Президентимиз «Деҳқон ака» дейишади. Сабаби эса аён: 31 йилдан буён Фуқрат районидаги Фуқрат номи ширкатлари уюшмасига қарашли бўлимини бошқариб келади. Шуниси қувончлики, меҳнат аҳли ҳар йили белгиланган режани зиёди билан уддаламоқда.

Толбижон ака бўлимида меҳнатни уюштириш ва рағбатлантиришнинг мақбул усули — ижарачиликни биринчилардан бўлиб жорий этганиди. Айни кунларда бу усул тобора такомиллашиб бормоқда. Толбижон ака эса ютуқларнинг бош омилини шунда деб билади.

— Ерининг ҳақиқий эгаси бўлиш деҳқонларимизнинг орзуси эди, — дейди у. — Президентимизнинг саяёҳаракатлари туйғайди ана шу эзгу ният ушайди. Энди ердан оқилона фойдаланиш керак. Бунда, ўз таърибидан келиб чиқиб ишонч билан йилтаманки, ижара гоёт қўл келади. Бизда 623 гектар майдон 528 нафар ижарачи ихтиёрга берилган.

Халқимизда: «Ер ҳайдасан куз ҳайда, куз ҳайдасанг юз ҳайда», деган нақл бор. Кейинги пайтда шу нақл унутилди. Бу ҳол гектарлар ҳосилдорлиги пасайишига олиб келди. Толбижон ака бошлиқ деҳқонлар эса ҳар йили кузги

Бунга сабаб шунки, ишбошилар кўчат сийрак бўлиб қолишдан қўриқиб, дастлаб кўпроқ ниҳол қолдиришади. Кун ўтган сайин майдонларда мўлжалдагидан ортиқ гўза мавжудлиги аён бўлиб қолган, яна ортиқча меҳнат сарфланади. Бу ерда ана шу муҳим арготехник таъбир бир марта амалга оширилди. Ҳар гектар майдонда юз минг тўл қўчат бўлса бас. Бироқ гўзани чилпишда арготехник муддатларга риоя этиш гоёт муҳим. Чунки чеканка эрта ўтказилса, гўза бичкилаб ўсиб кетади. Кечикса, ҳосил ветилиши кўзилади. Шу боис ҳар тўл гўзада ўртача 16 та ҳосил шох, 3 тадан бўлиқ кўсак пайдо бўлганда, бу таъбир тез-



Толбижон ака Ўзбекистон Республикаси Президенти И. А. Каримовнинг Миср Араб Республикасига сафарига ҳамроҳлик қилганди. Пахтакор эмасми, хоржида бўлганида у ердagi ҳамкасблари иши билан қизиқди. Жумҳуриятимизда ишлаб чиқарилган пахта терши машиналарига кўзи тушди-ю, уларнинг қаердан келтирилганлигини сўради. Хорижликлар «Москвадан, Москвадан, дея жаъоб беришди. Шунда Толбижон ака жуда галати аҳволга тушди. Чунки мезбонлар ўзлари фойдаланган пахта терши машиналари Ўзбекистонда ишлаб чиқарилганлигини билишмасди. Сўхбат асосида Толбижон ака юртимизни дунёга тантиши

ушун ҳали кўп иш қилиш кераклигини англади. Дарҳақиқат, ҳозир Президентимиздан тортиб шу юрт фазангидан деган ҳар бирики Ўзбекистоннинг келажиги, равнақи учун меҳнат қилаётир. Улар орасида уста деҳқон Толбижон Отабоев ҳам бор. У эзгу мақсад икроси йўлида беллини маҳкам болаган.

Тоҳиржон ҲАМРОҚУЛ, «Халқ сўзи» мухбири.

СУРАТДА: бўлим бошқарувчиси, Ўзбекистон халқ омили Толбижон ака Отабоев Тоҳиржон ва Зоҳиржон билан суҳбатлашмоқда. Фарзандлари унга ҳаммша қамарбаста. Муаллиф олган сурат.

## ЕР ФАРЗАНДИ

— Яхши ҳосил оламан деган деҳқон ерин экишга сифатли тайёрлаши керак, — дейди Толбижон Отабоев. — Биз айни шу қондага қатъий амал қиламиз. Марга бузилиши биланоқ динлобоз ишга туширилади, кейин ер чизел қилинади. Уғитнинг асосий қисми майдонга экишдан олдин солинади. Бошқача айтаганда, суперфосфатнинг 70, калийнинг 50 фоизи, азотнинг учдан бири шу пайтда ишлатилади. Уларнинг қолган қисми гўзага биринчи-иккинчи ишлов бериш даврида сарфланади.

Маълумки, кўпгина хўжаликларда янгалаш ишлари бир неча марта ўтказилади.

корлик билан рўеба чиқарилади.

Утган йили меҳнат аҳли 396 гектар майдонда деҳқончилик қилганди. Яқунда режадаги 1242 тонна ўрнига 1486 тонна ҳосил йиғиштириб олинди. Бунинг эвазига пахтакорларга қўшимча 9 миллион 750 минг сўм тўрқатилди.

— Этибор берганимиз, — сўзю давом этди суҳбатдош, — чавандоз улоққа киривётиб тартиб ҳақида ўйлайди. Чунки тартиб бўлган жойда ҳалоллик бўлади. Деҳқончиликни, ютуқларимизнинг асосий қисми тартиб-интизомда.

Ҳа, Толбижон ака тартиб-интизомни ёқтиради. Шу бо-

ис иш пайтида катта-кичикдан тўри, ҳалол бўлишни, пешона тери тўкиб ишлаб, болачақа боқилиши талаб қилади. У ҳамма нарсани ўз ҳолига ташлаб қўйиш — бу режаларнинг бажарилишига қўшимча сабаб бўлишини, пировардида халқнинг ризқи қийлишини яхши билади.

Ҳамқишлоқлари Толбижон акага юксак ишонч билдириб, уни Ўзбекистон халқ депутатлигига сайлашган. Унинг бу борада олиб бораётган ишлари ҳам тахсинга лойиқ. Чунки, бу йил 400 хойдон галаштирилди, 422 ўрилик мақтаб қурқилиш тугалланди. Чилгиқийда қишлоғида бунёд этилган маданият маркази, амбулатория эса аҳолига хизмат кўрсатмоқда.

## Бозор иқтисодиёти бошбошдоқлик эмас

АКСИНЧА, ҲАММА НАРСА РЕЖАЛИ, ҲИСОБ-КИТОВЛИ, ТЕЖАМЛИ БЎЛМОҒИ КЕРАК

ХАЛҚ хўжалигининг ҳамма соҳаларида иш маромини таъминлайдиган шартлардан бири нефть маҳсулотлари таъминотиридир. Зотан, нефть маҳсулотларини сотишда тартиб ўрнатиш ва тармоқни бошқариш таъминоти — такомиллаштириш ҳуусида жумҳурият Президентининг махсус фармони эълон қилинган ҳам бежиз эмас. Ўзбекистон Давлат нефть маҳсулотлари ахсардорлиги бирлашмаси ана шу фармонни бажара бориб, бозор иқтисодиётига ўтиш жараёнини биринчилардан бўлиб бошлаб берди. Бу саяёҳаракатлар қандай амалий натижалар бераётганини кўрсатувчи миқсслар оз эмас. Чунки, бизнинг асосий таъминотиимиз бўлган Россиядан ўтган йилга қадар 500 миллион тоннадан зиёд нефть маҳсулотлари сотиб олинди, ҳозир 250 миллион тоннага тушиб қолди. Аҳвол шундай экан, Ўзбекистондаги ҳамма истеъмолчиларнинг эҳтиёжларини қондириш мушкул, албатта. Аммо бирлашма бош директори Анвар Хусановнинг таъкидлашича, халқ хўжалиги тармоқларини нефть маҳсу-

лотлари билан эҳтиёжларига яраша таъминлашга эришилмоқда. — Биз бу йилги қўлмаги дала ишлари мавсумига ёнлиги захирасини етарлича қамлаб қўйдик, дея оламиз, — дейди А. Хусанов. — Ҳатто қўшни Токистоннинг Ленинобод вилоятига ёрдам беришга ҳам қўрбимиз етади. Азият чекаётган қўшниларимиз учун бундай ёрдам ҳозир жуда керак, деб ўйлаймиз. Бу гаплардан жумҳуриятимизда нефть маҳсулотлари таъминотида муаммолар йўқ экан, деган кулоса чичирити хато бўлур эди. Нефть маҳсулотлари таъминоти таъминотиимиз туб ислоҳини тўла рўебага чиқариш учун ҳали кўп ишлар қилиниши керак. Шу мақсадларда кўпчи мустақил давлатлар билан тегишхўнли иқтисодий алоқаларини йўлга қўймоқ учун алоҳида шахсларга эмас, балки халқ манфаатларига хизмат қиладиган соғлом, ҳалол рақобатга асосланган тижоратни қарор топтирамоқ лозим бўлади. Бунинг учун А. Хусановнинг фикрича, ислохотга жиддий тўғаноқ

бўлаётган икки муаммони ҳал этиш зарур. Биринчиси, ноқонуний автомат ёр қўйиш станцияси (АЕҚС)нинг беҳад кўпайиб кетганидир. Ҳиссадорлик бирлашмаси раҳбарларининг қатъийи билан ўтган йилнинг охирида 77 та ноқонуний АЕҚС ёпилган эди. Аммо улар оғир ҳозир яна юздан оғиб кетди. Ҳоқимлик, давлат назорати ва боқхоналарни айланиб ўта оладиган бундай устамон «тижоратчи»лар Жиззах, Бухоро, Андижон, Хоразм вилоятларида, айниқса, кўп. Ҳолбуки, тарақий этган мамлакатлардаги АЕҚС асосан давлат тасарруфидаридир. Бирлашма раҳбарларининг таъкидлашича, бундай ноқонуний стабилларни тутатишининг энг маъқул, ҳалол, яъни иқтисодий йўли бор. Чунки, улар ҳақиқатан ҳам кералик жойга қўрилган, аҳолининг эҳтиёжини қондираётган бўлса уни бирлашма сотиб олади.

Иккинчиси ва энг муҳимини не маҳкақлар билан топиб келинаётган ёнлигининг аниқчана қисми исроф қилинаётганидир. Ҳамон тижорат йўлига ўтилоқчи экан, хў-

жасизликка, лоқайдликка чек қўймоқ керак бўлади. Зеро, бозор иқтисодиёти исрофгарчиликни бутунлай рад этди. Утган йили мингдан зиёд корхона ва ташкилотда нефть маҳсулотларини қабул қилиш, сақлаш, тарқатиш, ишлатиш ва ҳисоб-киتاب қилиб боришининг аҳволи тегириб қўрилганда 14 минг тонна, яъни 45 миллион сўмлик маҳсулотни тежаб қилиш мумкинлиги маълум бўлди. 240 дан зиёд корхона ва ташкилот, жамма ва давлат хўжалигини тартиб эътиборсизлик оқибатида 1300 тоннадан кўпроқ ёнлиги беҳуда исроф бўляпти.

Ташкилий ҳисоб-китобларга қараганда, ҳозир хўжаликларда тракторнинг 20 фоиздан кўпроғи аккумуляторсиз ишлатилади. Демак, уларнинг моторларини кўн бўйи ўчирилмайди. Ҳолбуки, дизел ёнлигининг бир литри хўжаликларга 80 сўмга тушаяпти. Ҳар уч хўжалиқдан бири дизел ёнлигинини ишлаб чиқаришга муталоа алоқаси бўлмаган соҳаларга, яъни маданият-манжий бинаоларни иситишга сарфлаяпти.

ЖОЛПАРДИ КОМПЛЕКСИ ҚУРҒУ ХАМ ЗАМОН ЕТУВ БОЙЛИГИ ҚАРАҚАПТАСТИ

ВЕНДИЦИТИК БИРИКТИСЕСИМЕР ТАДЖИК ЖЕКЕ ҚОРҒАНАСИ ШОМБЕКТИСЕМ

АСХАНА

### ҲАМ ФОЙДА, ҲАМ САВОБ

Бош директор ҳақ, излаган имкон топади. Масалан, Буёқ ипак йўлида жойлашган Пекин-Париж темир йўлининг Тошкент-Бухоро оралини тўла электраштирилса 300 минг тонна дизел ёнлигис тежаларкан. Жумҳуриятимизда эса бундай йўллар оз эмас. Бундан ташқари, мутахассисларнинг фикрича, ҳозир автотранспорт корхоналаридаги машиналарнинг 30 фоизини ортиқча қийинчиликсиз газ билан ишлашга ўтказиш имконияти бор. Шундай қилинса, яна 200 минг тонна нефть маҳсулотлари тежаб қолинаркан.

Хуллас, бозор иқтисодиёти шундай омили, у, айниқса, ҳозирги босқичда хато қилинган қўнмағи, аял билан дадил ҳаракат қилишни тақозо этади.

А. НУЛДОШЕВ, «Халқ сўзи» мухбири.

## • Иқтисодиёт чорраҳаларида

### ТИЙИНЛАР МИЛЛАРДЛАРНИ ЭРГАШТИРИБ КЕЛАДИ

АНДИЖОН ИП-ГАЗЛАМА ИШЛАБ ЧИҚАРИШ БИРЛАШМАСИ ДИРЕКТОРИ АБДУҒАФФОР АҲМАДЛИЕВ БИЛАН МУЛОҚОТ

— Сиз раҳбарлик қилаётган корхона иқтисодига қарға боғлан, янги-яңи мушкул аҳволда эди, шекилли. — Э, нимасини айтасиз. 579 миллион сўм қарз жамоа елкасида замбилдай юк бўлиб келарди. Дастгоҳлар бўлиб, меҳнат унумдорлиги паст, дард устига чипқон дегандек, ташмачилик шу қадар авжига чиққан эканки, ёқа «шала қолдиндиз». Йилга 4—5 миллион погон метр маҳсулотни текитомоқларга бой бериши тасаввур қилинган. Бу ёнги сўрасангиз, уюшган жиноятчилар ҳам бошга битган бало эди. Улар қуппа-қундузи тўппа-тўғри чехга кириб келишар, дўппи-пипси билан матони машина юклашарди-да, йўнаб қолишарди. Бўзчи эртдан кечгача ишлаб, қўли қанари қўлаверарди. Ҳузурини эса муттаҳамлар кўради. Хуллас, ипчоқ суньяка бориб тақалганди.

— Ушга кезлар раҳбарлар ҳам деярли ҳар йили ўзгарди чоғи? — Ҳа, уларнинг кўни туганганда-да. Мейинг ўзимни ҳам не мақомага солмоқчи бўлишди улар. Лекин қароримдан қайтмадим. Энг муҳими, корхонанинг ўзига соғилли хизмати таъинил эрдик. Кейин икки ишлар бўлими билан шартнома тузиб, муниципал милиция хизматини йўлга қўйдик. Ҳозир корхона алоҳида бўлимига ишлаб турибди.

— Сарф-ҳаражат дегандек... Бу корхонага оғирлик қилмайдими? — Асло, Ташмачиликнинг илдизига болта урилганини ҳисобга олсангиз, масала ойдинлашади. Қолаверса, улар тартиб-интизом билан ҳам шуғулланишарди. Утган икки йил ичнда майда ўғирлик, беسابаб иш қолдирганларнинг 3 минг нафарини ишдан бўлиштирдик. Биз уларнинг ҳақини таъминлади. Аксинча, айб иш қилишдимиз, мурасансиз бўлямиз.

— Корхонанинг иқтисодиётидаги бурлиш ҳақида ҳам гапириб берайсиз. — Ишчи элақчага келтириш учун, аввало, давлат газисидан қарз олдик. Эвазига 2-пардозлаш фабрикаси ҳамма маъмурият биносини гаровга қўйдик. Қарзини уч йил давомида уза олмасак, «гаров»даги бино ҳамда фабрикадан айрилдик. Ҳарқалай, гишт қилидан кўчган, дадиллашиб қолдик. Эскириб қолган дастгоҳларни янгиладик. Хом ашё қабул қилишда қатъий назорат ўрнатдик. Таёёр маҳсулотни эса арзон-гаровга эмас, дурустгина пулга сота бошладик.

— Утган йили корхонага Швейцариядан янги технология олиб келиш мўлжалланганди. Негадир, ундан дарак бўлмади-а? — Йўқ, фақат ўзимизни ўйласак, олам гулистон эди. Лекин... Келинг, ахшиш, бу ҳақида батафсилроқ тўхталай. Президентимиз Ислом Абдуғаниевич корхоналарда ишлаб чиқаришнинг оёқда туриши учун алоҳида эътибор берапти. Вазирлар мажлисининг рухсати билан 90 минг тонна пахта толаси, 20 миллион погон метр бўзчи Швейцариянинг «Ритер» фирмасига сотмоқчи эдик. Лекин маҳсулотимиз нархи арзон бўлолгани учун ўзимизни тийдик. Ютқазининг нима кераги бор!

— Утган йили корхонага Швейцариядан янги технология олиб келиш мўлжалланганди. Негадир, ундан дарак бўлмади-а? — Йўқ, фақат ўзимизни ўйласак, олам гулистон эди. Лекин... Келинг, ахшиш, бу ҳақида батафсилроқ тўхталай. Президентимиз Ислом Абдуғаниевич корхоналарда ишлаб чиқаришнинг оёқда туриши учун алоҳида эътибор берапти. Вазирлар мажлисининг рухсати билан 90 минг тонна пахта толаси, 20 миллион погон метр бўзчи Швейцариянинг «Ритер» фирмасига сотмоқчи эдик. Лекин маҳсулотимиз нархи арзон бўлолгани учун ўзимизни тийдик. Ютқазининг нима кераги бор!

Дўконларимиздаги маҳсулотлар бозордаги нобатлар деярли теиз баробарига арзон. Утган йили табиий офатдан зарар кўрганлар учун 3 миллион сўм ҳади қилдик.

«Сумалак» халқ дастаси, «Наврў» футбол командасига ҳоимийлик қиламиз. Андижондаги «Спартак» ўйингоҳини қайта тикляймиз. Бу йил уй-жойга муҳтожларнинг деярли ҳаммасини бошпана билан тўла таъминлаймиз. Ташландиқ аҳволга тушиб қолган 5 гектар ерда иссиқхона қуриямиз. Шохобчаларимизни кенгайтиряймиз. Эриг келганда таъкидлаш лозим, ҳармактуларнинг ҳаммаси ўз ҳисобиндан бўляпти.

— Абдуғаффор ака, бирлашма раҳбарининг-ку юмушлари оз эмас, айни чоғда вилоят енгил саноат корхоналари директорлари кенгашининг раисисиз. Югур-югурлар чарчатиб қўймайинми? — Турли хил муаммолар оёқда тушув бўлаётган кезларда қийинчиликлар бўлади, албатта. Лекин корхоналарни мувофиқлаштириб турувчи кенгаш албатта керак. Сабаби, айрим фабрикада тақчиллик бўлиб қолса, иккинчиси ёрдам қўлини чўзади. Демак, бир-бирини қўлаб турувчи ҳамкорлик зарур. Келгусидаги режаларимиздан бири Андижонни саноат ривожланган шаҳарга айлантиришдир. Қишлоқлардаги корхоналаримиз сонини ҳам кўпайтирмаймиз. Шундангина деҳқон фақат пахта этиштириш, яъни хом ашё тайёрлаш билан kifойланиб қўймайди.

М. АҲМЕДОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

